



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

20 17' й. " 25 " ноябрь

№ 32/28

Тошкент ш.

Марказий банкда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида” 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сонли қарори ижроси тўғрисида

Марказий банк Бошқаруви қайд этадики, Марказий банкда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларининг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2016 йил иккинчи ярми ва 2017 йил 1 биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича икки марта Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказилган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти “очиклиги индекси”да Марказий банк иккинчи ўринни эгаллади.

Марказий банк фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг самарали, амалий механизмларини белгилаш, қабул қилинаётган қарорлардан ва энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлардан аҳоли, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари кенг фойдаланишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Марказий банк фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар устидан тузилган Ишчи гуруҳ томонидан мониторинг олиб борилиши самара бермоқда.

Шу билан бирга фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини Марказий банк фаолияти, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда Марказий банк фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлашга қаратилган

чора-тадбирлар самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланилмаяпти.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан Марказий банк Матбуот хизмати раҳбари А.Ҳайдаровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий банкнинг барча таркибий бўлинмалари раҳбарларига:

Марказий банк тизимида ахборотларни электрон ҳукумат доирасида узатиш тизимини кенг жорий этиш Марказий банк фаолиятининг самарадорлиги, оперативлиги ва шаффофлигини таъминлаш, қоғозбозликка барҳам бериш, ижрочилик масъулияти ва интизомини кучайтириш, давлат ва жамоат ташкилотлари, хўжалик субъектлари ва аҳоли билан муносабатларни янада юқори даражага олиб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин;

ўзлари раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинмалар фаолиятини қайтадан хатловдан ўтказиб, кўрсатиладиган хизматларни Марказий банкнинг расмий веб сайти, электрон манзили ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона портали орқали амалга оширишни кенгайтириш чораларини кўриш вазифаси топширилсин;

3. Марказий банк фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича тузилган мониторинг гуруҳи электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ёки режалаштирилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотга, электрон давлат хизматлари кўрсатиш регламентларини келишишда эса - электрон шаклда бажариладиган тартиб-таомиллар тўғрисидаги ахборотга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Матбуот хизмати ва Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаментига:

Марказий банк, умуман банк тизими фаолиятининг шаффофлигини ошириш, жамоатчиликнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини тўлақонли ва ҳаққоний маълумотлар билан таъминлаш учун Марказий банк расмий веб-сайтнинг маълумотлар ва ресурс базасини кенгайтириш;

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини амалга ошириш бўйича тузилган Ишчи гуруҳ таркибини қайта кўриб чиқиш ва унинг зиммасига Марказий банкнинг ҳар бир давлат хизмати бўйича алоҳида регламентлар ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раиси ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Раиси



М.Б. Нурмуратов